

ТОНГ ЮЛАЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсминаларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 32 (66007)
1997 йил, 26 апрель, шанба

Сотувда эркин
нархда



лар нафақат чевару пазандаликларини кўрсатиши, балки Ватанини мадҳ этувчи гўзал шеърларни, дилрабо рақс ва кўшиқларни ҳам жуда маромига етказиши. Айниқса, голиба деб топилган Дилобархон Дехқонова «Иқбол» кўригидаги иштирок этган ҳамма қизлардан зўр совғани олди.

**Жаҳонгир ФОЗИЛОВ,
Фарғона вилояти, Бофодд
тумани,
Алишер Навоий
номидаги 20-мактаб.**

Хабарларда ҳаёт бор



Умр дарё янглиг утиб кетаверади экан. Теварақ атрофга назар солиб шу юрт учун, шу тупроқ учун нимадир қилгинг, бир туп кучат экиб будса-да, уз узуннингни қўшгинг келади. Чуст тумани Халқ таълими бўлумида темир-терсак ва кераксиз қоғозлар тўплаш ишлари ниҳоясига етди. Мулжалдаги 140 тонна темир-терсак урнига 180 тонна, 14,2 тонна урнига 28 тонна макулатура топширилар. Бундай курсаткичларга эришишда Оғаҳий, Ҳумо, Зафар Диер, Шароф Рашидов номли урта мактаблар укувчилари айниқса, таҳсинга сазовор бўлдилар.

Кучаларимиз кўркини бузиб, чиқитга чиқсан, чанг-лойларга ботиб ётган эски торого баузук гидравликлар, уз вазифасини утаб бўлган газета-журналлар — турли қоғозлар яна қайтадан ишланаб, иккинчи умрини бошлади.

**Лола ТОШПЎЛАТОВА,
Тумандаги 14- мактаб
укувчи.**

МАКТАБ МАҚСАДГА ЭЛТАР

Бошқаларни билмадиму, лекин мен катталарнинг: энди уқишининг фойдаси йўқ, замон узгариб кетди. «Энди диплом билан тириклик ўтмайди...» каби гап-сўзларни кўп эшитганман. Болаларнинг бозор-учарга берилиб кетаётганидан ташвишланувчилар ҳам оз эмас. Лекин бизнинг Нурмат Умиров номидаги 41-мактабда аҳвол бутунлай бошқача. Биз укувчилар уз уйимиз, ота-

онамиз кучогига ошиққани дек мактабга шошиламиш. Чунки, машгулотлар жуда қизиқарли ўтилади. Ҳар бир фан буйича кабинетлар яхши жиҳозланган. Уқитувчиларимиз энг аввало узларига нисбатан талабчан, изланувчан. Тестсинов, рейтинг усууларидан кенг фойдаланишиди. Айниқса, синфлараро мусобақалар, баҳслар, адабий кечалар теззет ўтказилиб турилади.

Яқинда утган «Қувноқлар

Яқинда БМТ Халқаро Болалар жамгармаси (ЮНИСЕФ)нинг Узбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Узбекистон Болалар жамгармаси ходимлари халқимизнинг севимли нашрларидан бири «Оила ва жамият» газетаси таҳририята ташриф буриши. Таширидан мақсад таҳририята замонавий техника воситалари — компютер, принтер, сканнер ва «Сапон» русумли фотоаппарат тақдим этиш эди. Сонг топширилар экан, ЮНИСЕФнинг Узбекистондаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Ханин Гертнер газета «Бола ҳуқуқи тутрисидаги конвенция», ЮНИСЕФ ва Узбекистон Болалар жамгармасининг мақсад ва вазифаларини, тадбирларини халққа стказишида, тарғиб қилишида яқиндан срдам беради, деб умид билдири.

«Оила ва жамият» газетаси бош мухаррири М. Исмоилов совға учун жаноб Ханин Гертнерга, Узбекистон Болалар жамгармаси раиси И. Юсуповага миннатдорчилик изҳор этиди.

Суратда: жаноб Ханин Гертнер М. Исмоиловга техника воситаларини тақдим этаётти.

ва зукколар» баҳсида VII ва IX синф укувчилари ҳар бир соҳада чуқур билим эгаси эканликларини кўрсатиши. Чунки, илм ва хунар ўрганиш

қадрига ётганлар мактабнинг асл мақсадга йўллашини асло унтишмайди.

**Дилрабо НОРАЛИЕВА,
Фаллаорол туманинадаги
41- мактабнинг 7-синф
укувчи.**



МИЛЛАТИМИЗ ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАБ

Азиз ўкувчилар, яхши биласизки, мамлакатимиз ҳаётида Олий Мажлис сессиялари катта воқеа ҳисобланади. Сабаби унда Ватанини келажаги, миллатимиз тақдиринга даҳлор муаммолар ҳал этилади. Утган куни, 24 апрелда Тошкентда биринчи чакириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессияси очилди. Сессия муҳокамасига киритилган барча қонун лойиҳалари ва бошقا материаллар аввал кўмиталар мажлислирида, партия фракциялари, депутатлар блоки йигилишларидаги муҳокама этилган эди.

ИМТИҲОНСИЗ ИНСТИТУТГА

Мактаб дастуридаги турли фанлар буйича республика олимпиадаси булиб утганидан хабарингиз бор-а? Наманган вилоятидан шу олимпиада голиби булган тўққиз нафар юқори синф укувчиси олий ўкув юртига танловисиз кириш ҳуқуқини олди. Наманган шаҳридаги узбектурк лицейи ўкувчилари, айниқса узбек тили ва адабиети, кимё, математика, инглиз тили фанларидан чукур билим олганликларини кўрсатдилар. Вилоят ҳокимлигидаги олимпиада голиблари, уларнинг устозларига «Камолот» жамгармаси вилоят булимининг қўмматбахо согвалари топширилди.

«БОЛАЛАРНИНГ ЭРТАК ДУНЁСИ»

Пойтахтимиздаги «Дийдор» фотогалересида Словакия Республикасининг Узбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан мазкур мамлакат рассомлари кўргазмаси очилди. «Болаларнинг эртак дунёси» деб номланган бу кўргазмада дунёнинг болалар тасаввуридаги ўзига хос мураккабликлари акс этган асарлар намойиш этилмоқда.

ШАРК ДУРДОНАЛАРИ ЛОНДОНДА

Лондонни музейлар шаҳри дейишида. Буюк Британия музейида бутун дунё мусулмон оламида тентсиз құдратта эта булган Қуръони каримнинг айрим ноёб нусхалари мавжуд экан. Шунингдек, музейда «Акбарнома», «Бобурнома»нинг бальзи қисмлари, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврига оид мангаллар, Бийхоним мадрасасининг бальзи куринишлари акс этган таснифлар ҳам европаликларни хайратта солаётгани шубҳасиз.

**Фиёсиддин КОМИЛОВ,
Тошкент, Фалабанинг 40 йиллиги мавзеи.**



ХУХОРО ДЕСАЧА ЖАМЛА ЫЗШ?

Милоддан беш юз йилгари барпо этилган бу шаҳар қадимги будда дини роҳибтарининг йигилиш жойи — «Вихара» (ҳиндча) булиб, кейинчалик эронийлар бу ерни «Бихар» деб аташган экан. Сал кейинроқ эса шаҳар номи Бумижкат, Фоҳира деб ҳам юритилаверган.

Қадими тарихчилардан Малики Жувайнининг «Тарихи жаҳонгушай» (Жаҳон жойлари тарихи) китобида Бухоронинг тафсилоти тўғрисида қўйидагилар ёзилган: «Бухоро» сўзи «Бихар» сўзидан келиб чиқкан булиб, оташпастлар тилида «Илм макони» демакдир. Буталаффуз уйгар ва хитой бутпарастларининг тилига яқиндир, чунки уларда сиғиниш жойлари ҳисоблан-

ган маъбарни «Бухоро» деб атайдилар. Бухоро шаҳрининг номи Бумижкат (атрофи чўл шаҳар) эди...

Араблар истилосидан кейин бу шаҳар «Мадинат ус-Суфрия» («Мис шаҳар») сўнгроқ «Мадинат ут-Тужкор» («Савдогарлар шахри») деб ҳам аталган. Милодий асризининг икки юзинчи йилларида эса яна Бухоро дея атала бошланди. Абу Али ибн Сино-дек, Абу Абдула Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Нар Жайҳонийдек оламга машҳур жуғроғион олим, Абу Бакр Муҳаммад бин Жаъфари Наршахий каби тарихчи, Баҳоуддин Нақшбанд сингари диний алломаларни ўз бағрида тарбиялаб етиштирган Бухорои шариф кейинги йилларда жуда кенгайиб кетган. Бус-бутунлиги музей қилиб сақланаётган

эски шаҳарга нисбатан янги шаҳар худди йилдан йилга тобора кенгайиб бормоқда. Шаҳарда иирик саноат корхоналари, олий уқув даргоҳлари, маданий-машишь бинолар, савдо расталари, кўп қаватли меҳмонхоналар, сайлгоҳлар пайдо булиб, Бухоронинг кўркига кўрк кўшмоқда. Тарихчи шоир Ҳофиз Таниш Бухорийнинг бундан тўрт юз олтмиш йил илгари ёзган бир шеърида Бухоро шундай таърифланган:

«Тўрт томонда тўрт шаҳар,
— Мовароуннаҳр жамоли,
Жаннатга тенглашадур ҳар бирин кўрк, камоли.

Биринчиси илм-фозил макони бу — Бухоро, —

Тупроғи Руму Чинга зардек эрур фахр оро!»

Намоз Пиримқулов мустамлакачилар ва уларнинг итифоқчилари булган бойлар, савдогарларни даҳшатта соглан дехқонлар йулбошчиси. У Самарқанд вилояти қишлоқлари тог ва дараларида 1904-1907 йиллар давомида қасоскорона кураш олиб борди.

Халқ унга Намоз ботир деб ном қўйди. Душманлари эса «Намоз угри» деб атади.

Намоз ботир халқни талаган иирик ер эгалари, судхур ва савдогарлардан қаттиқ уч олади. Уларнинг мол-мulkини камди.

НАМОЗ БОТИР

багал дехқонларга булиб берди, жумладан, Каттақурғон туманига қарашли, Даҳбет во-лостилинг Оқтепа қишлоғида бухоролик савдогарларнинг түя карвони тұхтатилиб, мол-мulkи мусодара қилинди ва аҳолига булиб берилди. 1905 йил 10 майда Намознинг отряди Каттақурғон яқинида бозордан қайтаёттандарни ураб олиб, дехқон, хунарманд, чўпонларни қўйиб юбориб, бой ва савдогарларнинг мол-мulkини мусодара этади. Улардан олинган моллар ва кийим-кечаклар кам-

Тарихимизни ўрганамиз

унинг сафдошлари сотқин, Хужа Ариқ волост бошқарувчиси Лутфулла Хужаевнинг хабари билан капитан Полов қўшини томонидан қўлга туширилади. У шу пайтда энди 29 ёшга тулган эди. Бироқ Намоз ва унинг шериларидан иборат 50 та маҳбус турма остидан лаҳм ковлаб қочиб кетадилар... Намознинг хиёнаткорона үлдирилганлиги ҳақида илк тахмин мавжуд. Са-

ХИВАМИ, ХИЙВАХМИ?

2500 йиллиги нишонлаётган яна бир машҳур шаҳримиз — Хива — Хоразмнинг Гурганж (Куҳна Урганч)дан кейинги иккинчи пойтахти ҳисобланади, ҳозирги Урганч эса учинчисидир. Хива шаҳари ҳам худди Бухорога ўхшаб, осори атиқаларга бой шаҳардир. Бу шаҳарда таъмирлаш ишлари маблағ етишмаслиги сабабли жуда суст олиб бориларди. 1983 йили ЮНЕСКО-нинг қарори билан буюк аллома, алгебра ва алгоритмнинг отаси Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг 1200 йиллиги нишонланиши мусабати билан Иchan қалъа деворининг бир қисми, хон саройи, қадими мөхмонхона ва бошқа ёдгорликлар

таъмирланди. Кейинчалик эса таъмирлаш ишларида бир мунча силжиш булиб Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Калта ва Узун минорлар, ички бозор саройи кабилар тўй кунига таҳт қилиб қўйилди. Улкан гилам тўқиши комбинати сингари иирик корхоналар қурилиши туфайли кейинги йилларда шаҳар бир мунча кенгайтган, атрофда саноат корхоналари ва маданий машишь бинолар қад кутарган.

Тарихий матъумотлар ва халқ орасидаги ривоятларга кура қадим замонда шаҳар ўрнидаги тепаликда катта қудук булган экан. Савдогарлар, сайёхлар иссиқ қумли чўлдан кезиб келиб, қудук сувидан роҳатланиб ичишганида «Хейвех!» («Оҳ-оҳ, мазза!») дейи-

шаркан, шундан бу қудукниг номи «Хийвах» булиб кетган экан. Демак, Хива номи қудук деган маънени билдиради. Уша қудук ўрни ҳозиргача сақланади.

Хива шаҳри ташқи ва ички қалъа деворлари билан уралган. 712 йили араблар босиб олган, 17 асрдан то 1920 йилгача бу шаҳар Хива хонлигининг пойтахти булган. Ҳозирги кунда эса Хива тумани маркази ҳисобланади.

Олим Қўчқорбеков.

тиб олғил, чунким бу сенга ва сендан тарқаладиган зурриётларинги йўлланган салом булгайдир!

Ас-Салом — Оллоҳ таолонинг исмларидан биридир! Салом берсангиз, яхшилаб салом берингиз, алик олсангиз, яхшилаб алик олингиз!

Кичик каттага, утқинчи ултирганларга ва озчилик күпчилик салом бергайдир.

Суворий пиёдага, пиёда (уткинчи) ултирганга ва озчилик күпчиликка салом бергайдир.

Бир одам Расууллоҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам шундай эдилар.

багалларга, бева-бечораларга улашилди. Намозчилар отряди тузилди. Баъзан кундузлари ҳам тусатдан мингбоши, қишлоқ оқсоқоллари, юзбошилар уйлари ва кўргонларига ҳужумлар уюштириб, уларни үлдириб, мол-мulkини тортиб олиб мусодара қилиб юарди. Намозчиларни оддий ҳалқ оммаси қандай хурмат қилганлигини, унинг афсонавий қаҳрамонга айланганлигини Самарқанд ҳарбий губернатори генерал майор Гескет ҳам тан олиб шундай деган эди:

— Намозни қанча таъқиб қилсан ҳам у чопқир отларда шунча тез қутулиб кетади. Уни турли-туман аҳоли қуллаб қувватлайди. Бошпанга беради. Намознинг соқчилик хизмати аъло даражада йўлга қўйилган...

1905 йил кузиди Намоз ва

САЛСМАЛШИ САСБИ ҲАҚИДА

Муқаддас китобларда кишиларнинг ўзаро саломлашишлари вожиблиги тўғрисида, салом бериш тартиблари ҳақида талай курсатмалар мавжуд. Қуйидан «Ҳадис»нинг «Ижозат суромоқ китоби»да саломлашиш тартиблари шарҳланган боблар билан танишасиз.

Оллоҳ таоло Одам алайҳисаломни яратиб, унга жон атоэттач, айттан биринчи топшириклиари шундай булган экан: «Анави ултирган фаришталарнинг олдига боргил-да, салом бергил, сунгуларнинг сенга ола-диган алигини яхшилаб эши-

тиб олғил, чунким бу сенга ва сендан тарқаладиган зурриётларинги йўлланган салом булгайдир?» — деб суради. Жаноб Расууллоҳ: «Очларни тўйғазмогинг, таниган ва танимаган одамга салом бермогинг», — деб жавоб бердилар.

Сумома ибн Абдуллоҳ ибн

Одобнома

Моликдан нақл қиласидилар:


«Расууллоҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам агар салом берсалар, уч бор салом берар, бирор гап айтсалар, уч бор тақоррлар эдилар».

Собитал-Буноний Анас ибн

Молик ҳақларida бундай деб ривоят қиласидилар: «У (Анас ибн Молик) болалар ёнидан утиб кетаётib, уларга салом берди-да: «Расууллоҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қиласидилар», — деб айтди».

Кул бериб сурашмоқ ҳақида ибн Масъуд шундай далил келтиради «Набий салаллоҳу алайҳи ва саллам кағтиимни иккى кағтилари орасига олиб туриб менга ташаҳхудни уратдилар».

Агар: «Фалончи сенга салом айтъапти», — деса, «Ва алайҳисалом ва раҳматуллоҳи (Сенга ҳам салом ва Оллоҳнинг раҳмати бўлсин) — демок фарзидир.





«Африка менимча: Қүёш. Иссик... Ҳамма ёқ қум...

У ерда тимсоҳлардан эҳтиёт бўлиш керак. Филлари ажойиб. Одамларни миндириб юради..., деб ёзганди тенгдошингиз Ақмал Сирожиддинов газетамизнинг ўтган сонларидан бирида. Биз бу сафар Африка қитъасининг шимолий шарқида жойлашган, Араб оламининг кўхна маданият бешиги — МИСР билан сизларни танишишимиз.

Юнон файласуфи Геродотнинг айтишича: «Миср — Нил дарёсининг башариятга қилган тухфаси». Мисрда Рум ва Юнон маданиятига оид тош устунлар, фиръавнлар давридан қолган эҳромлар, ибодатхона ва мақбаралар ҳар бир сайёҳни хаяжонга солади. Коҳиранинг Ал-матирия районида Биби Марям дарахти ўсиб турибди. Айтишларича, унинг ёши 2000 да эмиш. Ислом дунёсининг биринчи пойтахти — Коҳиранинг «минг минора шаҳри» деб ҳам атасади. Чунки бу ерда ана шунчак масжид бор.

Ҳар йили 4 миллион сайёҳ келадиган мамлакат даволаш маскани ҳамdir. Қизил дengiz ва унинг атрофидаги гузал минтақалар Юнон уламоларининг ҳам эътиборини тортган. Сув тубидаги маржон шодаларини қўятуринг. Ундан маъданлар, олтингурут манбаълари нафас йули, буйрак, меъда, овқат ҳазм қилиш хасталиклари ни даволайди.


Болаликнинг нияти — тинчлик

Миср Араб республикаси билан алоқаларимиз истиқлол туфайли янада ривожланди.

Тошкентда «Миср кино ҳафталиги», «Дунё— болалар нигоҳи билан» шиори остидаги болалар тасвирий санъат кўргазмаси ўтказилиши шундан далолатдир.

Сиз айни рамазон ойида «Муҳаммадун Расулуллоҳ» кўп қисмли телевизион бадиий фильмнинг 3-фаслини рӯздор ота-оналарингиз, ака-укаларингиз, тенгкур дўстларингиз билан берилиб томоша қилгандингиз. Қадимги дунё одамларининг миллий лиbosлари, яшаш шароитлари ва уй-жиҳозлари томошабинлар кўз ўнгидага гавдаланди. Уй ҳайвонлари: от, тую, эшак, қўйларга дўстдек муоммалада бўлишлари, она-

га қанча ғамхўрлик қилсан кам, — дедилар улар. — Ҳар қандай тараққиёт замонага тараққиётни амалга ошириш ва таъминлашга қодир кишилар керак экан, биз ҳам бу ишни болалардан бошлаганмиз. Бизда ҳам улар баркамол инсон бўлиб етишишлари учун ҳар қандай муаммоларни уз вақтида бартараф қилишга интилиш кучли... Сиз суратда куриб турган Аҳмад Магди ва Нуна Магдилар бир мунча вақт



лар Президентимиз Хусний Муборакнинг ташаббуси билан болаларни ҳимоя қилиш йиллиги деб эълон қилинган. Президент рафиқаси Сузан Муборак хоним Миср болалари келажаги йўлида изланишлар олиб бормоқда. У қатор минтақавий ва халқаро мукофотларга сазовор бўлган. Яқинда ЮНЕСКОнинг энг олий мукофоти — Ибн Сино олтин медалини ҳам олди. Сузан муборак хоним халқаро муко-

Садоқатни дўстлар Ўқувга ўсашни душ

«ТУРКИСТОН»ГА КОНЦЕРТГА

КИМЛАР ГОЛИБ ЭКАН?

24-25 апрель кунлари Республика таълим марказида барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳунар таълими мусассасалири ўқувчиларининг миллий, замонавий ашула ва раҳс бўйича Республика кўрик-танилови бўлиб ўтди.

Бугун эса... бугун тумонат ўқувчи кечагидан ҳам кўра кўпроқ ҳаяжонда. Бошқа нарса аниқ бўлмаса-да, ҳаяжон сабаби аниқ: КИМЛАР ГОЛИБ ЭКАН?

Дарвоҷе, яна бир нарса аниқ: ГОЛИБЛАР «Туркистон» саройида тақдирланади ва... маглубларга ҳам концерт қўйиб берилади!

Жон табиатга меҳримизни яна ҳам улгайтириди. Биз Миср Араб Республикасининг Узбекистондаги Матбуот булими бошлиги, элчихона маслаҳатчиси жаноб Муҳаммад Магди Дайф билан Миср болалари ҳаётини ҳақида сұхбатлашдик.

— Азиз фарзандларимиз

Тошкентдаги 150-мактабда таҳсил олиши. Узбек дўстлар ортиришиб «Навруз» байрамимизга ҳавасманд бўлиши. Уларда ҳам «Навруз»га ухшаш «Енгил шабада» байрами ўтказилар экан. Лекин бизникичалик оммавий тантанавор эмас. Миллий боғимиз чиройи, театрлаштирилган халқ сайиллари, момоларнинг, болаларнинг кутаринки кайфиятдаги кўйқушиқлари бир умр уларнинг хотирасида сақланади.

— Болалар учун ишлаш мургак қалбга эзгулик уруни сочиш экан, бу урганинг униб чиқиб нишона берганини кўришдан қувончлироқ нарса борми, оламда, — дейди Магди жаноблари. 1998—99 йил-

фот билан тақдирлаш халқаро қўмитасига раиса этиб тайинланган. Дунёнинг кўпгина давлатлари сингари бу ерда ҳам «БОЛАЛАР БАЙРАМИ» куни нишонланади. Шу муносабат билан болалар китоблари чоп этилади, янги қўшиқлар яратилади. Тантанали кечалар, кўрик ва кўргазмалар уюштирилади.

Болаларда оталар ишига даҳлорлик, катта вазифаларга алоқадорлик туйгуларини тарбиялаш йўлида тинимсиз изланишлар кетмоқда. Бундан икки йил аввал, май ойида бу мамлакатда махсус болалар қонуни қабул қилинди. Болаликни ҳимоя қилишга қаратилган бу қонун болаларнинг энг юқори ёшини 18 ёш деб белгилади.

Бир неча йилдан бери Тошкентда яшаб, севимли газетангиз «Тонг юлдузи» таҳририятига қўшни хонада фаолият кўрсатаётган


Муҳаммад Магди Дайф жаноблари ва шу бўлимнинг молия ва маънавий аттамеси жаноб Аҳмад Шаҳин, бизга ўз дўстларини таниб



га сира озор етмасин. Ахир садоқатли дўстлар кўзга ухшайди. Иккиси баравар йиглаб, баравар кулади.

Шундай экан иймон, эътиқодни дилга сингдириб, инсонийликка, одамгарчиликка даъват этувчи дўстларимизга дуст — баҳт келтиради, деймиз. Жилгалар бирлашиб, дарё булгани каби дўстлашиш ҳаётни енгиллаштиради. Келажагининг камолотини уйлаб фаровонликка интилиш Миср болаларига ҳам, узбек болаларига ҳам бирдек ҳамроҳ бўлсин.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ.





МЕНИНГ БУХОРОМ

Қадим, гузал шаҳрим бор, У менинг ифтихорим. Халқи – шариф, бунёдкор, Меҳнатда билмас тиним. Сайех, дўсту ёронга Очиқ бизнинг дастурхон. Ҳеч ким қолмас армонда, Келинг, биз – сизга мезбон. Осмон – юлдузларга бой, Шаҳрим – обидаларга. Кундан-кун очар чирой, Завқ тарайди дилларга. Телпак, Сарроф, Заргарон, Тоқлари бир афсона. Минораи Калон узра – Лайлак ўқир тарона. Минг бир кечага тимсол –

ГУНЧА ДИЛНИНГ ЛАТИФ РАНГЛАРИ

Болалик шуниси билан ҳам баҳтлики, у оламга бегубор, самимий, ишонч тўла қалб кўзи билан нигоҳ ташлайди. Рӯҳида шеърга мойиллик бор болалар эса болаликдан олган таассусотларини содда мисраларга кўчиришига уринади.

Нигораҳоннинг ҳаяжон билан битган шеърий мисраларида ана шундай гунча дилнинг латиф ранглари бўртиб турибди. У ҳозирда 8-синфда ўқияпти. Албатта, унинг шеъриятга бўлган эътиқоди сўнмаса, ҳаётнинг турфа товланишларини тийран кўз билан илгай олиш қобилияти кун сайн орта борса, унинг мусаффо қалб оҳанглари келгусида авжга чиқишига шубҳа ўйқ.

Мўйсафидлар – намозхон, Бизга тиляб баҳт, иқбол, Варақлайдилар Қуръон. Бухоройи шарифдир, Масканим исми асли. Бунда яшар жаҳонга Машҳур боболар насли. Келинг дўстлар, уртоқлар, Шаҳримизни асройлик, Яратиб янги боғлар, Куркига кўрк қўшайлик. Курган киши қолиб лол, Бизга айтсан тасанно. У бизга она мисол Азиз, мұтабар дуне!

ЯША,
ФАРАНГИС!
Жажжи синглим Фарангис,
Узи чечан, ишчан қиз.
Бироз ужар бўлса-да,
Жанжал қилмас бехуда.
Мактабга бормас ҳали,
Лек билимдон, ақли.
Ҳарфларни ёдлаган ҳам,
«Алифбо» унга ҳамдам.
Шеър айтишни севади,
Рақс тушади, куйлади.

Эртак айтса ойимиз,
Кулок тутар Фарангис.
Бироқ, бордир айби сал,
Аразлаб қолган маҳал,
Менсимас гапимизни,
Ранжитиб қўяр бизни.
Хафа бўлсак, ойимиз –

Овутиб дейдилар: «Сиз,
Болакайлар, ранжиманг,
Булмангиз сира тажанг.
Фарангис ҳали бола,
Шуҳлиқда у шалола.

Улғайгач, ҳовуридан –
Тушади-ю ғоҳида,

Эслаб шуҳлиқларини,
Бола қилиқларини,
Кулиб юради кейин,
Ҳа, болалик кўп ширин».
Ойим ўтитин эслаб,
Жаҳлимизни жиловлаб,
Унга озор бермаймиз,
Яша, яйра, Фарангис!

Нигораҳон ШУКУРОВА,
Бухоро шаҳридаги
М. Горький
номли ўрта мактабнинг
8-синф ўкувчиси.

Эски тос, эски ҳаммом!
Қиссадан ҳисса шудир,
Хоҳ қиздир, хоҳ ўғилдир,
Текинхур, ялқов бўлманг,
Пашшадек қолмангиз тант.

Элёрбек МАРДОНОВ,
Кашқадарё вилояти,
Қамаши туманидаги
Faфур Гулом номли
мактабнинг 5-синф
ўкувчиси.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туманинг қарашли, «Іолвонжон» номли 476-боловлар бөгчаси.

Жавоҳир НОРКОБИЛОВ.

Рассом ҳандаси



– Бу қанақа ўйни, болам?
– Мен дадаси бўляйман, уртоқларим мени уйга олиб келишсанти.

Муроджон УНГАРОВ расми.

бўлса, Тусийнинг бошига шафтоли тушган. Нурнинг қайтишини ҳам Ньютондан илгари қашф қилган. Ҳайёмга маънан иймон келтирган. Ҳайём ишлаган обсерваторияда ишланган. У ҳам «Зижий Жадид Элонхий» асарини яратган.

Мен Носириддин Тусий ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга булишни истайман.

Шерзод АЗИЗОВ,
Андижон вилояти,
Андижон туманидаги 21-
ўрта мактабнинг 9-синф
ўкувчиси.

ҲАЁЛЛАРИ ТЕРАН ЭЛЁРБЕК...

Ҳозирча қамашилклар Faфур Гулом номидаги мактаб ўқувчи – Элёрбек Мардановни кичик математик, деб эркалатишади. Чунки у шу фан бўйича ўтказилган олимпиадаларда туман голиби бўлган. Аммо... математикага қизиқсан кишилар албатта шеър машқ қилишларини, шоирлар эса аълочи математиклар бўлишини кўпчилик билмайди.

Элёрбек ҳам яхшигина шеърлар ёзалини. Унинг ҳаҳрамонлари – гуллар, майсалар, дараҳтлар, тоғлар ва турли қўччалар. Атрофимиздаги борки мавжудод синчков Элёрбек ҳаёлаша жонланади: тупроқ ҳўрсинади, сув жилмайди, чигиртика одамлардай фикрлайди. Ҳатто хира пашина текинхур, ишёқмас бўлганлиги учун ёш шоирнинг нафратини қўзгайди.

Яхшиси, Элёрбекнинг шеърларини ўзингиз ўқиб кўринг. У сўзлар билан чизган манзараларни яхши кўриб қолишингизга, уни ҳайратга солган яхшилклар сизга ҳам юқишига ишонамиз. Элёрбек Мардановнинг машқларидаги ана шу чўғ унинг истевододидан бир ишонадир.

ЧУМОЛИ ВА ЧИГИРТКА

Чумоли Чигирткани
Чақириди чой ичгани.
Чумоливи ялинар,
Чигирткавой «Йўқ» деяр.
Чумоли деди шунда:
– Шундай ажойиб кунда
Борсанг, булар эди соз,
Яйраб келардинг бир оз.
Үйимизни кўрардинг,
Роса меҳмон бўлардинг.
Чигиртка деди охир –
«Қўймадинг-да, майли, юр!»
Йулга тушди иккевон,

Сузлашиб алвон-алвон...
Адирнинг қиясида –
Чумоли уясида –
Кўриб ўлган донни,
Чигиртка деди: – Қани,
Айт-чи, қайдан умардинг?
Талончилик – ҳунаринг!
Шунинг учун далада –
Бизга дон қолмабди-да!
Тезда ортга қайтайнин,
Буни элга айтайнин, –
Деб, ичи кўиди роса...
Бу эртакдан хулоса:
Ҳамма ҳам бирдай эмас,
Дуч келгани дуст дема!

Ўқувчи ЎЗИНИ ТАНИШТИРАДИ

НЬЮТОН ШАФТОЛИ ЕМАГАНМИ?

мавжудки, биз улардан ҳанузгача огоҳ эмасмиз. Осмон илми «Илк бор Курагоний жадвалларидан яралганидан», «Берунийнинг ақл машъали» эса адашган сайех Колумбдан бурун дентиз ортида қандайдир мамлакат мавжуд эканини ёритганидан воқифмиз.

Машҳур олим Исаак Ньютон: «Узоқни кўра олишимга

сабаб шуки, мен гигантлар елкасида ўтирган эдим», – деган экан. Бу сўзларда заррача мубоблага йўқ. Дарҳақиқат, Ньютондан илгари жуда кўп даҳолар яшаб утган. Қолаверса, Ньютон келажакни эмас, ўтмишни ҳам 400 йил бурунги кашфиётларни ҳам кўра олган Ньютоннинг «назари»дан четда қолмаган. Улуг олимлардан бири

Носириддин Тусийдир.

Носириддин Тусий ҳақида кўп маълумотга эга эмасман. Бобом араб алифбосида ёзилган қандайдир бир китобдан ўқиганларини айтиб берганлар. Эсимда қолгани шу: Носириддин Тусий Ньютондан 400 йил бурун бутун олам тортишиш қонунини яратган. Фақат Ньютоннинг бошига олма тушган

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБОУТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умид АБДУАЗИМОВА

Тахрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора Йўлдошева, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Мукимжон КИРҒИЗБОЕВ, Дадаҳон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма – Г -0225.

11960 ишхада босилди. Қоғоз бичими – А-3. Босинга тошириш вақти 19.00. Топширилди – 18.30.

- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манзилмиз: 700083, Тошкент шаҳри,
- Матбуотчилар кўтаси, 32-уй.
- Нашир кўрсаткичи: № 64563
- Телефон: 33-44-25

БОҒЧАМIZDA БАҲОРБОШКАЧА

Биз теварак атрофимизни опоқ кор қоплаган лаҳзаларда ҳам деразадан опоқ дараҳтларга қараб, кўклам ҳақида, яшариш, улғайиш фасли – Навруз ҳақида шеър ўрганиб, қўшиқлар айтавердик. Қорбобо ясад, кулларимиз совқотиб, этимиз жунжикканда ҳам Баҳор ҳақида кўйлаб исидик.

Бир куни дадажоним билан боягча кетаётгаб, кор остидан бизга кулиб қараб турган бойчекчакни курдим. У жудаем қуешга үшшаркан...

Уша куни боягчамиз ҳовлисида бегубор осмонимиз ҳар кунидан бошқача эди. Калдирғочлар келган эди, осмонимизга... Биз ясаган варраклар күшлар билан тиллашади, уша кундан бери. Бизга варрак ясашимизда бояга опаларимиз Галина Алексеевна билан Гуччера Эргашевна ёрдам бердилар.

Дарвоқе, тунов куни боягчамиз ҳовлисида сумалак пиширдик. Сумалак жудаям мазали будди. Баҳорни кўклирга таронум этувчи Наврузимиз ҳақида шеър айтиб, қўшиқлар кўйладик. Байрам-байрамга уланиб кетди, ота-оналаримиз ташриф буюриши.

Бизга мәҳмандарга боягчамиз мудириаси Наима Раҳимовна Ҳидоятова Навруз ва унинг тарихи ҳақида ҳикоя килиб, ҳаммамизга соғлик, баҳорий кайфият тиладилар. Богчамизда Навруз ҳали давом этмоқда. Агар сиз ҳам шодлигимиз шеърик булмоқчи бўлсангиз, боягчамизга марҳамат қилинг. Бизнинг боягчамиз ҳам, боягчамиздаги поклик, гузаллик саналмиш Баҳор-у, Навруз ҳам бошқача...

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туманинг қарашли, «Іолвонжон» номли 476-боловлар бөгчаси.